

МИЛЛИЙ ВА ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК

Мингбаев Рахим Хужаевич

*Жиззах давлат педогогика университети тадқиқотчиси (Ўзбекистон,
Жиззах)*

Аннотация. Ушбу мақолада миллий ва халқаро экологик муносабатлар, уларни уйғунлаштиришда толерантлик тамойилининг аҳамияти ёритиб берилган. Ўзбекистонда халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни толерантлаштиришнинг ички ва ташқи омиллари хусусида баён қилинган.

Калит сўз: экология, экологик муносабат, толерантлик, экологик вазиятни прогнозлаштириш, глобал муаммо, консенсус.

Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-экологик муносабатларида толерантлик ҳодисасига эҳтиёж – минтақада яшовчи турли этник гуруҳлар ва конфессияларнинг асрлар давомида шаклланган экологик тархий хотираси ва анъаналари, турмуши ва фикрлаш тарзи, маданияти ва эътиқоди, табиий-географик шароити ва тарихий тақдири, манфаатлари умумийлигини англаш натижаси бўлиб, кескинлашаётган глобал муаммолар ечимида иқтисодий, техник, технологик, интеллектуал ва сиёсий потенциал имкониятларини интеграциялаштиришга боғлиқдир. Ўзбекистонда экологик толерантлик тамойиллари Конституциясида белгиланган бўлиб, унинг демократик ва гуманистик мазмуни БМТ Низомлари, халқаро ҳуқуқ принципларига, умуминсоний маънавий-ахлоқий нормаларга мослиги билан характерланади ва ижтимоий, иқтисодий, ташкилий соҳаларда сиёсий муносабатлар истикболини прогнозлаштириш ва моделлаштиришда давлатнинг бош ислохотчилик ролини тақозо қилади.

Ўзбекистон, МДХ ва ШХТ давлатларида, умуман ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа стратегик йўналишлардаги халқаро ҳамкорлик (хусусан, табиий атроф-муҳит муҳофазаси) масаласидаги экологик толерантлик, бу давлатлар доирасида ўзига хос консенсус маконини шакллантириш имкониятига эга.

Чунки, собиқ СССРда МДХ шаклланишигача ҳам бу давлатлар, нисбатан узоқ тарихий давр давомида, муайян халқаро экологик муносабат анъаналарига эга бўлган. Бу эса, МДХ таркиб топишини ва халқаро экологик сиёсий муносабатларини ташкил қилишни, маълум маънода, осонлаштирди. Айниқса, ўзбек халқининг тарихий шаклланган маънавий-ахлоқий қиёфасидаги: вазминлик, сабр-тоқатлилик, бардошлилик, бағрикенглик, чидамлилик инсонпарварлик каби фазилатлари миллий экологик толерантлигининг ментал хусусиятларини, умуминсоний моҳиятини белгилаб берган.

Бу ҳақда қадимда ҳам Ўзбекистон тарихи билан шуғулланган олимлар Шарқда толерантлик қадимдан мавжудлигини, хусусан Кушонлар давлати тарихида турли диний эътиқод, қавм вакиллари ўзаро тинч-тотув, аҳилликда яшагани, Марказий Осиёда, ҳатто сиёсий рақибларнинг ўзаро толерант: хайрихоҳлик, бир-бирини тушуниш, раҳм-шафқат, муроса ва

сабр-тоқат билан муносабатда бўлганликлари ҳақида кўплаб мисоллар келтирганлар ва ҳозир ҳам бу фазилатлар ўзгартирилмасдан сақланиб қолганлиги ҳақида фикр юритганлар¹.

Лекин, экологик толерантлик ҳодисасини, аксарият илмий жамоатчилик томонидан, моҳияти ва функциясига кўра, **бир томондан**, уни субъектларининг табиатни муҳофаза қилиш муносабатларидаги (асосан, иқтисодий, сиёсий ва бошқа эҳтиёж ва манфаатлар нуқтаи назаридан) ўзаро “мослашувчанлик” деб тушиниши, **иккинчи томондан**, экологик толерантликни ҳаётга жорий қилишда сиёсий омиллар (айниқса, ҳукмрон мафкура) ролини мутлақлаштириш ғализ, чегараланган хулосаларга олиб келишини ҳам эътиборга олиш керак.

Ваҳоланки, умуман дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда экологик толерантлик тамойилларини ҳаётга жорий қилишда давлатлар сиёсатининг демократик-гуманистик ва императив характери:

- БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан белгилаб берилган экологик толерантликни таъминлашнинг устувор вазифалари, дунё экологик ҳамжамияти ва миллий давлатлар томонидан амалдаги халқаро қонунларни такомиллаштиришида, янги қонун ҳужжатларини яратишида, бошқарув тизимларини модернизациялаштиришида;
- миллий давлатлар сиёсатида миллий ва умуминсоний экологик мақсадларни, манфаатларни, эҳтиёжларни интеграциялаштиришга доир халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган умуминсоний ҳуқуқ нормаларига, маънавий-ахлоқий тарихий қадриятларга асосланишининг Конституцияси ва махсус қонунларида белгилаб кўйилишида;
- халқаро экологик сиёсий толерантликни таъминлашда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, техник-технологик, инновацион, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик эҳтиёжларини, мақсадларини, манфаатларини экологиялаштириш ва инсонпарварлаштиришни эркинлаштиришнинг потенциал имкониятларини қидириб топишда;
- миллий ва глобал экологик муносабатларда толерантликни шакллантиришга мутасадди давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик институтлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятларини уйғунлаштиришнинг стратегик вазифаларини белгилаш ва тактикасини аниқлашда намоён бўлади.

Бу вазифалар комплекси экологик толерантликни рағбатлантирувчи ёки халақит берувчи объектив шарт-шароитларни ва субъектив омилларни (ҳатто, алоҳида минтақалар, миллий давлатлар ривожланиш даражаси ва географик кесимида) аниқлашга, дифференциал ёндашиб, уларни бартараф қилишнинг рационал усул-воситаларини (“сиёсий технологиясини”) танлаш ва фойдаланиш, муҳим назарий-методологик, амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун уларни Ўзбекистонда қуйидаги йўналишларга ажратиш, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, яъни:

- Ўзбекистонда халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни толерантлаштиришнинг ички ва ташқи омилларини интеграциялаштириб, уларни барқарор ривожлантиришга шарт-шароит яратиш;
- Ўзбекистонда минтақавий ва глобал экологик фаолият субъектларининг мақсадлари, эҳтиёжлари ва манфаатларини уйғунлаштириш имкониятларини реаллаштирувчи омилларни аниқлаш;

¹Қаранг: Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. и др. Дальверзинтепе– кушанский город на юге Узбекистана. – Ташкент, 1978.

- жамият ва давлат экологик сиёсатининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий йўналишларини демократиялаштириш усул-воситаларини, механизмларини, “технологиясини” такомиллаштириш;
- халқаро сиёсатида маҳаллий, миллий, ҳудудий, глобал даражаларда экологик толерантликнинг умуминсоний-гуманистик мазмунини, ҳаракат стратегияси ва тактикасини конкретлаштириш кун тартибига қўйилган.

Юқорида кўрсатилганидек, Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки йиллардан бошланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш зарурияти, минтақа давлатларининг халқаро ҳамкорлигини янги тарихий босқичга кўтаришни тақозо қилди. Хусусан, Ўзбекистон давлати ташаббуси билан Оролни кутқариш халқаро жамғармасини ва минтақанинг иккита тузилмаси – Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссия ва Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазибалар экологик фаолият контекстида конкретлаштирилса, мамлакатимизда халқаро экологик фаолият субъектлари толерантлигини юксалтиришда янги босқич хусусиятлари кўзга ташланади, яъни: 1) гендер ва феминистик дискриминацияни бартараф этиб, аёллар ва эркеклар тенглигини рағбатлантиришга; 2) жамиятда экологик муҳофазага муҳтож ижтимоий қатламлар, хотин-қизлар экологик ҳуқуқи, эркинлиги ва имкониятларини кенгайтиришга; 3) оптимал экологик муҳит яратиш ҳисобига болалар ўлимини камайтириш, оналар репродуктив саломатлигини яхшилашга; 4) жамият барқарор тараққиёти мақсадларини амалга оширишда экологик толерантликнинг объектив асосларини ва субъектив омилларини ривожлантиришга; 5) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни толерантлаштиришни тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилишига боғлиқлиги маълум бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Юсак маънавият - енгилмас куч». Тошкент. «Маънавият»: 2008 й., 111-бет.
2. Каримов И.А. Туркистон - умумий уйимиз Т., Ўзбекистон, 1995.
3. Бундай шартномалар: 1996 йил 24-декабрда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида, 1998 йил Тошкентда Ўзбекистон-Қозоғистон ўртасида, 2000 йил 15-июнда Ўзбекистон-Тожикистон ўртасида тузилган эди.
4. Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида /расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. -Тошкент: Адолат, 2017.
5. <http://www.kiitedu.in/> <http://vuz.edunetwork.ru> <http://www.rd.ccu.edu.tw>; <http://www.msui.e.ru>